# РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Жумлаи жаҳон мўмин-мусулмонлари учун азиз ва муқаддас бўлган саналардан бири Рамазон ойидир. Қарийб ўн тўрт асрдан буён башариятни рушду-ҳидоят йўлига даъват этиб келаётган Қуръони карим мана шу муборак Рамазон ойида нозил бўлган.

Рўза тутиш катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга молик. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам ҳадиси-шарифларидан бирида: «Уч кишининг дуоси рад этилмай қабул бўлади: оғиз очаётган рўзадорнинг дуоси, адолатли давлат раҳбарининг дуоси ва ноҳақ жабр кўрган кишининг дуоси»,— дейилиши ҳам бу ибодатнинг нечоғли буюклигига яққол далилдир. Мавриди келганда шуни айтиш жоизки, муборак Рамазон ойида рўза ибодатидан бошқа яна бир қанча муҳим тарихий воқеалар ҳам қайд этилади. Шулардан энг муҳими — Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси — «Лайлат-ул Қадр» (Тақдир кечасидир): «бу кечанинг фазилати минг ойдан ҳам афзалроқдир». Рамазон ойи яна муҳим воқеаларга бой. Хусусан, бу ойнинг олтинчи куни Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг набиралари имом Ҳусайн туғилган кун, ўнинчисида биринчи завжаи муҳтарамалари Хадича онамиз вафот этганлар, ўн еттинчисининг тонгида машҳур Бадр жанги бўлган ва бошқалар.

Ўттиз кунлик рўзанинг хотима топиши, мана, деярли 14 асрки бутун ислом оламида Рамазон (бизда у рўза ҳайити ёки ийди ал-фитр —оғиз очиш байрами) ҳайитига боғлиқ махсус тантанали маросимлар билан нишонланади.

Рўза ойининг жорий этилиши тарихи ҳақида ҳам Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг муборак ҳадислари бўлиб, ватандошимиз буюк муҳаддис олим Абу Исо ат-Термизий бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассаллам Мадинаи Мунавварага келганларида воқиф бўладиларки, шаҳар аҳли (йилда) икки кун ўйин-кулги, хурсандчилик билан машғул бўлар экан. Шунда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам: «Бу икки кунда ўйин-кулгу қилишингизнинг боиси нимада?» — деб сўрадилар. Улар: «Бу икки кунда биз жоҳилия давридан бошлаб хурсандчилик қиламиз», деб жавоб қилдилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам: «Аллоҳ-Таоло бу кунларингизнинг яхшироқ бошқа кунга — явм ал-адҳа (оғиз очар куни)га алмаштирди», дедилар. Шу тариқа исломдаги икки улуғ байрам — Рўза ва Қурбон ҳайитларига асос солинган ҳамда улар асрлар оша мусулмонларнинг энг мукаррам ва муқаддас байрамлари сифатида нишонланади.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суюкли завжалари Ойша онамиз шундай деганлар: «Ҳайит кунларнинг бирида мен икки жория қизнинг ашулаларини мароқ билан эшитиб ўтирган эдим, кутилмаганда Абу Бакр Сиддиқ келиб қолдилар ва бизни хурсандчиликка берилганимизни кўриб, уч марта: «Бу шайтон наволарику» — деб бизларни койий кетдилар. Шу дамда ногаҳон Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам ҳам келиб, отамга қараб: «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолларига қўйинг, зеро, ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади! Бугун бизнинг байрамимиздир!» дея хитоб қилдилар.

Азалдан Рамазон ойида одатдагидан кўпроқ ибодатлар адо этилади. Мискин, етим-есирлар ва бева-бечоралар, муҳтожларга инъомлар, фитр садақалари тарқатилиб, хайру-эҳсонлар улашилади. Фитр-садақа бериш барча мўъмин-мусулмонларга вожиб, Фитрнинг Ҳайит намозигача берилишининг замирида улкан халқпарварлик ғояси — Ҳайит кунида ҳамма баробар хурсандчилик қилиб, муҳтожлик сезмаслиги мақсади мужассамдир.

Рамазон ҳайити дўстлик, иноқлик, тинч-тотувлик, меҳр-мурувват, одамийлик, ватанпарварлик, поклик, шукронаи неъмат каби юксак инсоний фазилатлар намоён бўладиган улуғ айёмдир. Бу кунларда ўзаро гина-адоватлар унутилади, ихтилофу келишмовчиликларга барҳам берилиб, билиб-билмай қилинган гуноҳлар кечирилиб, айблар ҳам мағфират этилади.

Бутун ислом дунёсида бўлгани сингари Туркистон заминида ҳам ҳайит намозлари жамоа бўлиб ўқилади, намоздан кейин марҳумлар руҳини хотирлаб, дуои фотиҳалар қилинади. Мўмин-мусулмонлар ота-оналари, дўсту биродарлари, қариндош-уруғларини ҳайит билан қутлайдилар, бетобу ҳожатмандларни зиёрат қилиб, кўнгилларини кўтарадилар. Отахону онахонлар, мўйсафидлар, яқин кишилар ва болаларга байрамона совға-ҳайитликлар улашиш ҳам халқимизнинг азалий удумларидан.

Сўнгги йилларда мустақил Ўзбекистонимиз диёрида қарор топаётган ижтимоий адолат, айниқса мустақиллигимиз шарофати билан ҳаётбахш илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ибратли тарихимиз, бой маданий меросимиз, турфа хил маънавий қадриятларимиз, удумларимизни ўрганиш, тиклаш ва ушбу бебаҳо бойликлардан халқни баҳраманд қилишда катта ишлар амалга оширилаётир. Халқимизнинг кўнглини хушнуд қилган бу хайрли ишларнинг ҳаммаси муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов собитқадамлик ва изчиллик билан олиб бораётган доно сиёсатнинг ёркин самарасидир. Рўза ва Қурбон ҳайитларини умумхалқ байрамлари сифатида дам олиш куни деб эълон қилиниши ҳам катта аҳамиятга молик воқеадир.

Жумлаи мўмин-мусулмонларимизни улуғ айём — Рамазони шариф билан чин юракдан муборакбод этамиз. Шу табаррук кунларда Оллоҳ субҳонаҳу ва Таоло ҳаммаларимизни рушду-ҳидоят, имон нури билан баҳраманд этиб, битмас-туганмас неъмату ҳикматларидан рўзи-насиб айласин. Мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи, порлоқ келажаги йўлидаги қутлуғ саъй-ҳаракатларимиз, солиҳ ишларимизга хайру-баракотлар ато этсин!

**Мухторхон ЗОИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси мутахассиси.**


*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

**1997 yil 8 fevral, shanba № 17 (22.102).**

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan






*АЗИЗ БИРОДАРЛАР!*

**Ийд Рамазон ҳайити**

*ҳаммамизга муборак бўлсин!*

*Шу қутлуғ кунларда ишларингизга ривож,*

*топганларингизга барокат тилаймиз.*

*Юртимиз ҳамиша тинч бўлишини*

*Яратгандан сўраймиз.*

**Ўзбекистон — Туркия қўшма банки.**



УАЗ **"ОСИЁ-ВОЛГА"**

**МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ**

**Тошкент шаҳридаги омборхонадан УАЗ-3962 русумидаги автомобилларни ва УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни**



***СОТАДИ.***

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 16$^{\lambda}$ уй, 221-хона

***Телефонлар: 41-58-51, Факс: 41-52-41.***



**«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»**

Ўзбек — турк қўшма корхонаси полипропилен ун қопларини ҳамда тегирмон валларини пул ўтказиш йўли орқали

**СОТАДИ**

**Бизнинг манзил:**
**Тошкент шаҳри, Асака кўчаси, 52. НПО «Технолог» биносининг 4-қаватида (3-ун заводининг ёнида).**
**Тел: 68-77-36.**


*Спорт*

## ЕТМИШ ЁШЛИ ҒОЛИБ

*Хоразмда узоқ йиллардан бери анъанавий мусобақа ўтказилади. Вилоят шаҳар-қишлоқларида дона суриш бўйича маҳоратларини оширишга ҳаракат қилаётган шахматчилар «Хоразм ҳақиқати» — «Хорезмская правда» газеталари соврини учун мусобақада ўзларини кўрсатадилар. Вилоят биринчилиги учун 28-марта ташкил қилинган бу сафарги мусобақа ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Зеро, ҳеч ким 70 баҳорни қоралаган Максим Кимга бас келолмади. У ўн имкониятдан 8 та очко тўплаб, бош совринни қўлга киритди. Қизиғи шундаки, бу қариянинг ютуғи 25-марта ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишидир. Урганчлик Азизбек Юсупов билан Фарҳод Қўчқоров 2- ва 3-ўринларни эгаллашди. Аёллар орасида эса гурланлик Нигора Содиқова муваффақият қозонди.*

## БАСКЕТБОЛЧИЛАР БАҲСИДА

*Самарқандда спортчилар орасида энг баланд бўйли ҳисобланган баскетболчиларнинг Ўзбекистон чемпионати дастлабки учрашувлари бўлди. Биринчи тур ўйинлари гуруҳларда давом этиб, олти шаҳардан ўнта жамоа иштирок этди. Биринчи ўрин учун баҳс Тошкентнинг ФИСК ҳамда Самарқанд Давлат университети жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ўйин майдон эгалари фойдасига (97-76) ҳал бўлди. Учинчи ўрин учун республика олий спорт маҳорати мактаби ёшларига насиб этди. Навбатдаги учрашувлар 17-22 февраль кунлари ўтказилади.*


**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,**
**Азиз НОСИРОВ,**
**Одилжон ОЛИМЖОНОВ,**
**Ислом ШОҒУЛОМОВ,**
**Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
**Салим АШУРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари),
**Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
**Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
**Виктор ЗВЕРЕВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**БЎЛИМЛАР:**

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.*
*Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.*
*Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 33-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.*
*факс — 33-54-55.*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда* — 24-16-48;
*Бухорода* — 3-54-87;
*Гулистонда* — 25-16-22;
*Жиззахда* — 3-31-86;
*Навоийда* — 3-39-20;
*Наманганда* — 6-43-43;
*Нукусда* — 7-58-83;
*Самарқандда* — 35-22-90;
*Тошкентда* — 33-12-56;
*Урганчда* — 6-51-35;
*Фарғонада* — 22-36-78;
*Қаршида* — 3-25-79;
*Қумқўрғонда* — 5-26-24.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**

**Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

*Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи М. АҲМАД.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120**

**Газета офсет усулида А—2 форматида 32 335 нусхада босилди**

**Ҳажми 2 босма табоқ**

**«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.**

**Г — 072**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*

1 2 3 4 5 6.

**СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА**